

**Тошкент давлат юридик университети ходим, талаба, ўқувчи ва докторантлари томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида мурожаат қилиш ҳолатлари ҳақида хабардор қилиш тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги ПФ–5987-сон “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Тошкент давлат юридик университети (кейинги ўринларда – Университет), шунингдек унинг Ихтисослаштирилган филиали, Университет қошидаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази ҳамда Академик лицейнинг (кейинги ўринларда – Университет муассасалари) ходим, талаба, ўқувчи ва докторантлари орасида ҳамда жамиятда коррупцияға қарши курашиш маданияти даражасини ошириш мақсадида ҳар қандай коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этишға қизиқтиришға бўлган уринишларни аниқлаш ва уларға шу ҳақда маълум бўлган фактлар ҳақида хабар бериш, ушбу хабарни рўйхатдан ўтказиш ва ундаги маълумотлар юзасидан хизмат текшируви ўтказиш тартибларини белгилайди.

**I боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом талаблари эгаллаб турган лавозими ва бажарадиган вазифа ва функцияларидан қатъи назар Университет ва унинг муассасалари билан меҳнат ва фуқаролик шартномавий муносабатларида бўлган барча ходимларға, шунингдек талабалар, ўқувчилар ва докторантларға нисбатан татбиқ этилади.

2. Университет ва унинг муассасалари ходим, талаба, ўқувчи ва докторантлари ва бошқа шахслар, агар улар таълим муассасаси ходим, талаба, ўқувчи ва докторантлари хатти-ҳаракатларининг қонунға мувофиқлиги тўғрисида шубҳаға борсалар, шунингдек, коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилишиға доир асосли ва ҳаққоний маълумот ва фактларға эға бўлсалар, шунингдек улар бундай ҳуқуқбузарлик содир этилишиға оғдирилсалар улар бу ҳақда Университет ва унинг

муассасалари раҳбарларига ёки Университетнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича Комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия)га, масъул таркиби тузилмага бевосита ёзма ёки тегишли алоқа каналлари орқали хабар беришлари шарт.

3. Университет ва унинг муассасалари ходим, талаба, ўқувчи ва докторантлари томонидан мазкур Низом 2-банди талабларига амал қилинмаслиги уларга нисбатан Университет Ички тартиб қоидалари ва Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексига биноан интизомий чора кўриш учун асос бўлиб хизмат қилади.

## **II боб. Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида мурожаат қилиш ҳолатлари ҳақида хабардор қилиш билан боғлиқ ишларни ташкил этиш**

4. Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этишга оғдириш мақсадида мурожаат қилиш ҳолатлари ҳақида хабардор қилиш билан боғлиқ фаолиятни ташкил этиш Университетнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича Комиссияси, Комиссиянинг ишчи органлари ҳисобланадиган Университетнинг кадрлар бўлими ва Юридик бюроси ҳамда Университет муассасаларида рухсат этилган лавозимлардаги ходимлар зиммасига юклатилади.

5. Комиссиянинг ишчи органлари ҳисобланадиган Университетнинг кадрлар бўлими ва Юридик бюроси ҳамда Университет муассасаларида рухсат этилган лавозимлардаги ходимлар коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида мурожаат қилиш ҳолатлари ҳақида хабардор қилиш юзасидан ўз фаолиятларини ташкил этганда Тошкент давлат юридик университетининг коррупцияга қарши курашиш Дастури (сиёсати) ва мазкур Низом қоидаларига қатъий риоя қилишлари лозим.

## **III боб. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар бериш тартиби**

6. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарлар қуйидаги масъуллар ва тузилмалар ҳамда алоқа каналлари орқали берилади:

Университет ректори ва унинг муассасалари раҳбарларига оғзаки ҳамда ёзма шаклда;

Университет ректорининг r.hakimov@tsul.uz электрон почта манзили ёки “ректорга мурожаат” боти орқали (<http://s.tsul.uz/d7> ҳаволаси ёрдамида);

Университетнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссиясига ёзма шаклда;

Университетнинг “Telegram” ижтимоий тармоғидаги @tsulantikorbot, @tdyu\_murojaat\_bot ботлари ва ижтимоий тармоқдаги саҳифалари орқали;

Университет ва унинг муассасаларининг расмий веб-сайтларида жойлаштирилган шакллар орқали;

Университет ва унинг муассасаларининг электрон почта манзиллари орқали;

тўғридан-тўғри ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига.

7. Университет ва унинг муассасаларининг алоқа каналларига келиб тушган барча хабарлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва таълим муассасаларининг ички ҳужжатларига мувофиқ ҳолисона ва ўз вақтида кўриб чиқилади.

8. Умумий фойдаланишдаги ижтимоий тармоқларда берилган, аноним тарзида берилган, шунингдек, коррупциявий ҳуқуқбузарликни содир этаётган шахс ёки шахслар ҳақидаги маълумотлар аниқ кўрсатилмаган хабарлар ҳуқуқий аҳамият касб этмайди ва ушбу маълумотларга тегишли тартибда университетнинг Одоб-ахлоқ кодекси ҳамда ички тартиб қоидалари асосида баҳо берилади.

#### **IV боб. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш**

9. Университет ва унинг муассасалари ўз ваколатлари ва мавжуд имкониятлари доирасида таълим муассасасининг мансабдор шахслари, ходим, талаба, ўқувчи ва докторантлар ҳамда уларнинг яқин қариндошлари ва контрагентлар томонидан таълим муассасаси фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ҳамда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида ишончли маълумот берилганида ушбу шахслар ҳақидаги маълумотларни махфийлигини таъминлайдилар (қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

10. Университет ва унинг муассасалари ўз ходим, талаба, ўқувчи ва докторантларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қиладилар.

11. Шунингдек, коррупцияга қарши Университет ва унинг муассасалари локал ҳужжатлари талабларини бузиш эҳтимоли ҳақида хабар

берган шахсларни таъқиб қилинишига қаратилган ҳаракатларга, шу жумладан ишдан бўшатиш, лавозимини пасайтириш, камситиш, босим ўтказиш ва таълим муассасасидан четлаштиришга йўл қўйилмаслигини кафолатлайдилар.

#### **V боб. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақидаги хабарга қўйилган талаблар**

12. Хабар ёзма тарзда тақдим этилганда аризачи томонидан имзоланиб Университет ректори ва Университет муассасалари раҳбарларига ҳамда Комиссия масъул котиби ёки ходимга топширилади.

13. Аризада қуйидаги маълумотлар бўлиши шарт:  
ариза муаллифининг ФИШ, лавозими, курси, гуруҳи ва йўналиши;  
шахснинг мурожаат қилиши учун унга маълум бўлган ҳолатларнинг тавсифи (сана, жой, вақт ва бошқа ҳолатлар);

Университет ва унинг муассасаларининг барча ходим, талаба, ўқувчи ва докторантларининг пора берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши ёки ҳаракатсизлиги учун бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора, яъни пуллар, қимматбаҳо қоғозлар, бошқа мол-мулк, мулкӣ тусдаги хизматларни беришни талаб қилиши ёки бериши, товламачилик қилиш, ваъда бериш, пора олиш ва бериш, пора олиш ва (ёки) беришда воситачилик қилиш, шунингдек ғайриқонуний бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланишлари юзасидан амалга оширишлари керак бўлган ҳолатлар тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар;

коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этиши юзасидан оғдириш тури ва уни оғдирган шахс тўғрисидаги маълум бўлган барча маълумотлар (ФИШ, лавозими, курси, гуруҳи, йўналиши);

коррупциявий ҳуқуқбузарлик таклифига рад жавоби (розилик) билдирилганлиги тўғрисидаги маълумот;

муурожаат қилинган сана;

хабар берган аризачи имзоси ва телефон рақами.

14. Аризачи ўз муурожаатига асос бўлган маълумотларни қўшиб тақдим этиши мумкин.

#### **VI боб. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақидаги хабарни расмийлаштириш тартиби**

15. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақидаги мурожаат Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарларни қайд этиш дафтарида рўйхатга олинади.

16. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарларни қайд этиш дафтари варақларига номер қўйилиб, Университет ректори ва унинг муассасалари раҳбарлари имзоси ва муассаса муҳри билан тасдиқланади.

17. Аризачи ёлғон хабар берганлик ҳамда тухмат қилганлик учун белгиланган тартибда жиноий ҳамда маъмурий жавобгарлик мавжудлиги ҳақида огоҳлантирилади ҳамда ушбу ариза мурожаат қилинган кун “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарларни қайд этиш дафтари”га мазкур Низомнинг 1-Иловасида белгиланган тартибда расмийлаштирилади ва ариза нусхасига аризанинг қабул қилинганлиги тўғрисидаги белги қўйилиб аризачига топширилади.

18. Электрон кўринишда берилган хабарлар ҳам юқоридаги тартибда ёзма ариза мазмуни ва шаклига қўйилган талабларга амал қилинган ҳолда тақдим этилади ва мазкур ариза юзасидан ҳам Комиссия масъул котиби ёки ходим аризачи билан мурожаат қилинган кун боғланиб ёлғон хабар берганлик ҳамда тухмат қилганлик учун белгиланган тартибда жиноий ҳамда маъмурий жавобгарлик мавжудлиги ҳақида огоҳлантиради ҳамда дарҳол электрон кўринишдаги аризани “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарларни қайд этиш” дафтарига ушбу Низомнинг 1-Иловасида белгиланган тартибда расмийлаштиради ва аризанинг қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумотни аризачига етказиши.

19. Хабарлардаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида билдирилган маълумотларнинг махфийлиги кафолатланади.

**VII боб. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик тўғрисида маълумотни  
масъулларга етказиш ва хизмат текшируви ўтказиш  
тартиби ҳамда муддатлари**

20. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабар масъул котиб томонидан тегишинча Комиссия раиси – ректорга ёки раис ўринбосарига, шунингдек муассасалар раҳбарларига зудлик билан маълум қилинади.

21. Ушбу маълумотлар қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиш учун Комиссияга, масъул таркибий тузилма ёки масъул ходимга тақдим этилади.

22. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабар Университет ректори ва муассаса раҳбарлари томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилиши натижасига кўра қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

агар мазкур масала юзасидан аввал ҳам мурожаат келиб тушган бўлиб ушбу мурожаатдаги ҳолатлар ўз тасдиғини топмаган бўлса, аризани рад этиш тўғрисида;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабар юзасидан хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга тақдим этиш тўғрисида.

23. Комиссия раиси – ректорнинг ва муассаса раҳбарларининг топшириғига кўра Комиссия, масъул таркибий тузилма томонидан хизмат текшируви ўтказилади.

24. Хабарда кўрсатилган маълумотлар юзасидан Комиссия, масъул таркибий тузилма томонидан ўтказилган хизмат текшируви натижасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳолатлари мавжудлиги аниқланганда, бу ҳақда Комиссия раиси – ректорга ёки Университет муассасалари раҳбарларига бир иш куни давомида маълум қилинади.

25. Хизмат текшируви амалга оширилиши жараёнида Комиссия, масъул таркибий тузилма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ходим, талаба, ўқувчи ва докторант ва бошқа шахслар билан суҳбат ўтказиш;

ходим, талаба, ўқувчи ва докторант ва бошқа шахслар томонидан тақдим этилган маълумотларни ўрганиш ва улар юзасидан тушунтиришлар олиш ва бошқалар.

26. Ариза келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса, бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

27. Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари тегишли Университет ректори, Университет муассасалари раҳбарлари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

28. Хизмат текшируви натижалари юзасидан ёзма хулоса тайёрланиб унда қуйидагилар кўрсатилади:

тақдим этилган маълумотлар юзасидан ўрганиш натижалари;

муурожаатни тасдиқловчи ёки рад этувчи асослар;  
муурожаат юзасидан кўрилган таъсир чоралари;  
муурожаат юзасидан аниқланган сабаб ва шароитлар юзасидан амалга ошириладиган аниқ чора-тадбирлар.

29. Комиссия томонидан хабарларни кўриб чиқиш натижалари ва кўлланилган таъсир чоралари кўрсатилган жавоб хати тайёрланиб аризага юборилади (тақдим этилган алоқа маълумотлари бўйича ёзма ёки электрон шаклда).

Шунингдек, қонунчиликда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, аниқланган ҳолатлар тўғрисида бундай тоифадаги ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ваколатига эга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар берилади.

30. Агар аризада келтирилган хабарларда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик белгилари мавжуд эмас деб ҳисобланса, бу ҳақда аризага маълум қилинади.

Ушбу ҳолат аризадини ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга муурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

31. Университет ҳамда унинг муассасалари мазкур турдаги ҳуқуқбузарликлар юзасидан жиноят ишини кўзғатишга ёхуд маъмурий жавобгарликка тортиш учун асослар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига баҳо бермайди.

### **VIII боб. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш**

32. Университетдаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни рағбатлантириш ҳақиқатда коррупция факти аризага томонидан тақдим этилган далил (аудиоёзув, видеоёзув, смс хабар, фото ва ҳоказо)га асосан Комиссия томонидан ўранилиши жараёнида шубҳа уйғотмаган тақдирда ёки тегишли тартибда ваколатли суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тасдиқлангандагина амалга оширилади.

33. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни рағбатлантириш тўғрисида Комиссия масъул котиби ёки ходим томонидан тегишинча Университет ректори ёки муассасалар раҳбарлари номига тегишли тартибда тақдимнома киритилади.

34. Рағбатлантириш миқдори ҳар ўқув йилининг бошида Университет ҳамда унинг муассасалари Кенгашлари томонидан тасдиқланиб,

Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

## **VI боб. Яқунловчи қоида**

35. Низомга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш Университет ҳамда унинг муассасалари Кенгашлари томонидан амалга оширилади.



**КОРРУПЦИЯГА ОИД ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ХАБАРЛАРНИ ҚАЙД ЭТИШ****ДАФТАРИ**

<b>№</b>	<b>Аризачи Ф.И.Ш.</b>	<b>Аризани қисқача мазмуни</b>	<b>Аризани қабул қилиб олган масъул шахс Ф.И.Ш. ва лавозими</b>	<b>Ёлғон хабар берганлик ҳамда тухмат қилганлик учун жавобгарлик мавжудлиги хақида огоҳлантирилганлиги</b>	<b>Ариза қабул қилиб олинган сана</b>	<b>Аризачига ариза қабул қилинганлиги тўғрисидаги ариза нусхасининг берилганлиги</b>
1.						
2.						